

Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 11 DEKABR, JUMA, 148 (7609) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan Behoei kelishilgan narxda.



Яқинда Андижон шаҳрида "Алоқа банк"нинг мадади билан янги савдо расталари фойдаланувчилар ихтиёрига топширилди. 12 та турғун савдо дўкони ва 200 та савдо ўрнига эга бўлган бу ерда доимий фаолият кўрсатадиган "Она ер саховати" қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси иш бошлади.



Чўлибўстон аҳли келгуси йилдан бошлаб қуриладиган ҳар бир турар-жой биноларини пишиқ гиштдан бунёд этишни мақсад қилишган. Демакки, баркамол авлоднинг келажиги учун улар ўзларини масъул билмоқда. Бу эса Чўлибўстоннинг янада чирой очишидан далолатдир.




Шарқ яққакураши ва жанг санъати V Тошкент Халқаро фестивали бўлиб ўтди. Унда 2009 йилги спорт мавсумининг умумий якунлари ўтказилди ва бир қанча номинациялар бўйича энг яхши спортчилар аниқланиб, тақдирланди. Шунингдек, анъанага кўра фестивалга мартабали меҳмонлар таклиф қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ «БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, XXI аср — интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йилгит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг қўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида ва 2010 йил Ўзбекистон Республикасида "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ тартибда тузилсин.
2. Республика комиссияси (Ш.М.Мирзиёев) бир ой муддатда вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда "Баркамол авлод йили" Дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.
3. Дастурда ҳар томонлама баркамол ёш авлодни шакллантиришни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ҳамда бошқа тадбирларга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни давом эттириш билан бир қаторда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича энг муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилсин:
 - болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
 - энг аввало, соғлом наслини, "Соғлом она — соғлом бола" дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактик соғлиқни сақлашнинг устувор даражасида ривожлантириш, тиббиёт хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириш орқали соғлом авлодни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилиш иштиёқини шакллантириш;
 - ўсиб келаётган авлоднинг ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида яратилган замонавий моддий-техника базасидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, замон талабларидан қўлиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида реал иқтисодий тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб этилаётган таълим ва мутахассисликларнинг йўналишларини қайта қўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-устуви адабиётларни такомиллаштириш;
 - ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогика технологияларини, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакат мактаблари, касб-хунар коллежлари ва лицейларида, олий таълим муассасаларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини энг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш; нафақат мактабларда, лицейларда, коллеж ва олий таълим муассасаларида, балки ҳар бир оиланинг ҳаётида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, Интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш;
 - ёш авлоднинг жисмоний тарбияси ва болалар спорт соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни мунтазам равида спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни босқичма-босқич кучайтириш, янги спорт комплекслари, стадионлар, иншоотлар қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш;
 - таркибий (техник ҳамда технологик) ўзгартиришларнинг энг муҳим йўналиши, аҳоли даромадлари ва мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш асоси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, айниқса, қишлоқ жойларда ёшларни, авваламбор касб-хунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шарт-шароит яратиш; илм-фанни янада ривожлантириш, талантили, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш учун шарт-шароит яратиш, улар томонидан ўзларининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш, жумладан, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш махсус жамғармасини ташкил этиш, Фанлар академияси ва мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида илгор, истиқболли илмий тадқиқотлар ва илмий изланishлар олиб бориш учун янги лабораториялар яратиш, хорижий илмий марказлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;
 - ёш оилаларга гамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жисмонан соғлом ва уйғун камол топган ёш авлодни тарбиялаш ишида жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўлиши бўлган, фарзандлар шахс сифатида шаклланиб, Ванга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вақиллари бўлиб етишадиган, соғлом ҳамда мустаҳкам оилани қуриш учун зарур шарт-шароитларни яратиш; ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гийҳандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келатган тубан "оммавий маданият"нинг турли иллатлари хавфи ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш.
4. Мазакур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2009 йил 9 декабрь



ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ: СОЗ ВА СИФАТЛИ, ЭНГ МУҲИМИ УЗИЛИШЛАРСИЗ

Бу йилги киши тайёргарлик ишларини "Қашқадарё электр тармоқлари" очик ҳиссдорлик жамияти жамоаси ўз вақтида амалга оширди. Жорий йилда қарийб 414,5 км. ҳаво линиялари тўлиқ таъмирланди, 41 трансформатор ўрнатилди, 14 км. ҳаво линиясининг симлари алмаштирилди.

Қарши шаҳридаги 30 та кўп қavatли уйнинг электр

шитлари тўлиқ таъмирланиб, ўта юккланиш билан ишлаб турган саккиз трансформатор алмаштирилди. Шунингдек, 30 мактаб, 19 болалар боччаси ва 4 ши-фоҳонадаги электр энергияси билан таъминловчи трансформаторлар созланди.

СУРАТДА: "Марказий" подстанцияси хизматининг электр чилангари Шерзод Жумаев.

Шомурод ШАРОПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Қорақалпоғистон Республикаси ЙИЛ АЁЛИ — ЖАМИЯТ ФАОЛИ

Нукусда ўзига хос тадбир — Қорақалпоғистон Республикасининг "Йил аёли" танлови бўлиб ўтди. Унда дастлабки босқичларда ахши натижаларга эришган 16 нафар аёл қатнашди.

Иштирокчилар ўз чиқишларида билим ва иқтидорларини, изланувчанликларини, оила ва жамиятда ҳо-стин-қизларнинг тутган ўрнини иш-нари тарзда кўрсатишди. Хотин-қизлар кўмитаси, Ўзбекистон Республикаси Аёллар Жамияти Кенга-шининг амалий кўмағида ташкил-

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Агроекономика таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ерғодезқадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат кўмиталари, "Ўздонмахсулот", "Ўзкимёсанот", "ЎзагроСУГУРТА", "Ўзвинисаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоққўжалкимашилин" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ер-мой ва озик-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромасервис", "Ўзғўштсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроеконом ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

Самарқанд Вилояти 64 нафар ҳарбий оиласида уй тўйи

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Шу боис юртдошларимиз кўнгли хотиржам бўлиб, эзгу мақсадлар йўлида меҳнат қилмоқда, бунёдкорлик завқ-шавқи билан яшамоқда. Уларнинг тинч, осуда ҳаёт кечирishiлари, ватанимиз осмони мусаффолиги учун миллий армиямиз туну кун мамлакатимиз сарҳадларини ҳимоя қилмоқда.

Она Ватан хизматини бекаму кўст, виждонан адо этиш учун қасамд қилган ҳар бир ҳарбий Юртбошимиз, ҳуку-матимиз, халқимиз эътибори ва гамхўрлигини ҳис этиб, кенг имкониятлардан баҳраманд бўлмоқда.

Яқинда Самарқанд шаҳридаги Ватанпарвар маҳал-ласида ҳарбий хизматчиларнинг оилалари учун 4 қават-ли, 64 та хонадонга мўлжалланган турар-жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Демакки, 64 на-фар ҳарбий оиласида катта шодийна — улар янги, ши-нам турар-жойга кўчиб ўтишди. Ушбу янги иншоотнинг тантанали очилиш маросимида вилоят ҳокими Ҳ.Бар-ноев сўзга чиқиб, мустақиллик йилларида Ватанини ҳимоя этишга қодир миллий армиямизнинг шакллан-гани, унинг юрт осойишталигини, чегараларимиз дахлсиз-лигини сақлашдек шарафли, машаққатли ва масъули-ятли вазифани адо этишда тобланганини, айнан шу ис-лохотлар бошида Юртбошимиз турганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

Янги йўлга эга бўлган ҳарбий хизматчи Муҳиддин Қўшбоқов ўз қувончини шундай изҳор этди: — Оила аъзоларим билан кенг ва шином, барча қулай-ликларга эга уйга кўчиб ўтганимиздан жуда бахтиёрман. Фарзандларимнинг, рафиқамнинг қувонганини айтмай-сизми? Бундай гамхўрлик учун беҳад миннатдоримиз. Бундан буён ҳам Ватанимиз осойишталиги йўлида ана-да фидокорона меҳнат қилишга шаймиз.

Янги, замонавий турар-жойларга кўчиб ўтган ҳарбий-лар оилаларининг қувончи чексиз. Улар уй тўйларини бошлаб юборишди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Тошкент Вилояти ИҚТИДОРЛИ ҚИЗЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1999 йил 10 июндаги фармони асосида Зулфия номда-ги Давлат муҳофизотида номзодлар ўртасида ўзла-тиб танловни қўриб-танловнинг Тошкент вилояти босқич-и якунида. Унда 60 нафар қиз фан, таълим, адабиёт, санъат, маданият йўналишлари бўйича ўз-билим ва маҳоратини намойиш этди.

Тадбир доирасида иштирокчиларнинг ижодий ишлари кўргазмаси ташкил этилди. Кўргазмадан жой олган халқ-амалий санъати ва хунармандчилиги намуналари барча-да катта қизиқиш уйғотди. Иштирокчиларнинг ижодий ишлари ёшларимизнинг замонавий илм-фан ва маданият ютуқ-ларидан баҳраманд бўлаётгани, уларнинг миллий қадрият-ларимизга қўқур ҳурмат билан ёндашишдан далолат берди.

— Қизлар ўртасида ушбу танловда қатнашишга интилиш йил-дан-йил ортиб бораётди, — дейди "Оила" илмий-амалий мар-кази вилоят бўлими раҳбари, танлов комиссияси аъзоси Зул-хумор Жўраева. — Танловнинг шахар ва туман бўлимида минг нафардан зиёд қиз иштирок этгани бунинг далилидир.

Л.СУВОНОВ, ЎЗА мухбири.

2010 йил — Баркамол авлод йили СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

Юртимизда ёш авлоднинг жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлаш, уларнинг соғлом турмуш тарзига интилиши ва спортга меҳрини ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, қишлоқ жой-ларда болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қарати-лаётгани ҳаммамизнинг кўз ўнгимизда.

Мамлакатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон бола-лар спортини ривожлантириш жам-гармасини тузиш тўғрисида"ги Фар-мони бу борада муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу Фармон ва шу асосда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорларда болалар спортини аниқ ва барқарор ривожлан-тириш вазифалари белгилаб берилди. Президентимизнинг 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамгарма-си фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фар-мони эса болалар спортини ривож-

Qishloq hayoti

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ерғодезқадастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат кўмиталари, "Ўздонмахсулот", "Ўзкимёсанот", "ЎзагроСУГУРТА", "Ўзвинисаноат-холдинг", "Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоққўжалкимашилин" компаниялари, "Ўзпахтасаноат", "Ер-мой ва озик-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзагромасервис", "Ўзғўштсаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси, Агроеконом ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

СОҒЛОМ АВЛОД — МИЛЛАТ КЕЛАЖАГИ

(Боши 1-саҳифада)

Халқ таълими вазирлиги тасаруфидоги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, қишлоқ жойларда болалар спортининг моддий-техника базасини шакллантириш ва мустаҳкамлаш, умумий ўрта таълим мактаблари қошида ҳамда аҳоли яшаш жойларида замонавий спорт мажмуалари тармоғини барпо этиш, уларни спорт ускуналари ва анжумлари билан жиҳозлаш, ушбу иншоотлардан самарали фойдаланишни таъминлаш каби ишларни амалга ошириб келмоқда. Бунинг натижасида ўқувчиларнинг, айниқса, қишлоқ ўқувчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун кенг имкониятлар яратилди.

Эътиборли томони шундаки,

баркамол, соғлом, мустаҳкам иродали, ватанига содиқ инсонлар қилиб тарбиялаш бурчимиздир, — дейди Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ижрочи директори Абдулла Очилов. — Шундан келиб чиққан ҳолда ўтган йиллар мобайнида юртимизда кўплаб спорт иншоотлари барпо этилди. Халқаро талаблар даражасида қурилган ва жиҳозланган бири биридан кўркам мазкур спорт иншоотларини бугун мамлакатимизнинг барча ҳудудлари, шу жумладан, энг чеқка, тоғли ҳудудлардаги қишлоқларда ҳам қўриш мумкин. Хусусан, дастлабки йилларда болалар спорт мажмуаларининг 71 фоизни қишлоқ жойларида бунёд этилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 87 фоизни ташкил этди.

томонидан 104 номдаги спорт анжумлари ишлаб чиқарилиб, 16 турдагиси четдан келтирилмаган бўлди. Айтиш мумкин республикамизда 118 номдаги спорт анжумларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Жисмоний тарбия ўқитувчилари ва мураббийлар меҳнатини рағбатлантириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг диққат марказидаги муҳим масалалардан биридир. Улар учун мунтазам равишда семинар ва тадбирлар ташкил этилиб, касб малакалари ошириб борилаётган.

Ўғил-қизлар ўртасида спортни омдалаштириш ва ривожлантиришда, албатта, ота-онанинг кўмаги гоёт муҳим. Бола спортга қизиқса, мактабда бунинг учун қулай шaroитлар бўлсаю, оила аъзолари томонидан бу иштиёқ қўллаб-қувватланмаса ёки ёш спортчининг бирор мусобақадан галаба билан қайтиши уйда ҳам ҳақиқий байрам тусини олмаса, бу унинг юксалишига тўққизлик қилиши мумкин.

Спорт оилаларни янада жиҳлаштириш, уларнинг жисмоний ва маънавий саломатлигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутганини назарда тутиб "Онам, отам ва мен — спортчилар оиласи" мусобақаси мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

Жамғарма томонидан ёш спортчиларнинг халқаро миқёсдаги фестивал ва мусобақаларда қатнашишига ҳам эътибор қаратилаётган.

Ўтган давр мобайнида спортнинг турли йўналишлари билан шуғулланувчи минг нафарга яқин ўғил-қизларимиз халқаро мусобақаларда иштирок этишди. Франция, Германия, Австрия, Исроил, Малайзия, Таиланд каби давлатларга уюштирилган сафарлар дастуридан нафақат мусобақалар, балки чет мамлакатлар маданияти ва урф-одатлари билан танишиш ҳам ўрин олган.

Чет давлатларга мусобақаларда қатнашиш учун чиқибётган болалар сони ортиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Жумладан, бу кўрсаткич жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ ўтган йилга нисбатан 100 кишига ортди.



нароҳи ҳол, албатта. Жумладан, бу кўрсаткич жорий йилнинг биринчи ярмидаёқ ўтган йилга нисбатан 100 кишига ортди.

Нафосат тарбияси

Соғлом онадан соғлом фарзанд дунёга келади. Шу маънода мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш ишлари доирасида хотин-қизлар спортини тарқатишга ҳам кенг қўллаб-қувватланаётган.

Нафосат маликалари — спортчи қизлар сафи тобора кенгайиб бораётгани диёримизда ўтказиб келинаётган уч бугунги спорт мусобақалари билан боғлиқ. Қолаверса, мамлакатимизда анъанавий тарзда ташкил этиб келинаётган аёллар спартакиадасининг ҳам бу борадаги аҳамияти катта.

2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умумий миллий дастурига биноан жойларда барпо этилаётган кўркам, замонавий спорт иншоотлари қишлоқларда қизларнинг спортга, айниқса, бадий гимнастикага бўлган қизиқишларини орттириди. Жумладан, Бухоро вилоятининг Ромитан, Пешку, Фихудов, Вобкент, Навоий вилоятининг Томди, Қонимех, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон, Сариев, Қашқадарё, Қорақалпоғистон Республикасининг бир қанча туманларида бадий гимнастика спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган.

ган. Масалан, Қашқадарё вилояти Косон туманидаги Гувалак қишлоғида 200 нафардан ортиқ қиз бадий гимнастика билан шуғулланмоқда.

Хозирги пайтда юртимизда спортнинг мазкур йўналиши бўйича 10 мингдан ортиқ қизлар шуғулланмоқда.

Қизларни айнан ушбу спорт турига жалб қилишга жиддий эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Мутахассисларнинг фикрича, бадий ва спорт гимнастикаси қиз болалар саломатлигининг мустаҳкамлашига хизмат қилади, таъин-ҳаракат аъзолари ва умуртка поғонаси нуқсонларидан ҳалос этади. Ҳатто қадди-қоматнинг бироз буккайиши ҳам ёш организмда жиддий функционал бузилишларга олиб келиши мумкин. Бунинг олдини олиш учун энг яхши усул болаларни 3-4 ёшдан гимнастика билан шуғуллантиришдир.

Қизлар орасида спортнинг синхрон сузиш, шарқ яққаурашлари, теннис, футбол сингари турлари ҳам омдалашиб бормоқда. Ўз навбатида спортчи қизларнинг юксак марралар сари интилиши қўллаб-қувватланаётган.

Барчиной авлодлари — Ирода Тулаганова, Юлдуз Ҳамроқуллова, Гузал Хуббиева, Екатерина Хилько, Юлдуз Кўчқорова каби иқтидорли, халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган спортчилар мамлакатимизда соғлом авлод тарбиясига қаратилган эътибор туфайли қолмаган этганидан фخر-ифтихор туюмиз.

Раимқул СУЯРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ХАБАРЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси

САЙЛОВОЛДИ ТАРАДУДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Жўқорги Кенгес, вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларида сайловолди тайёргарлиги Қорақалпоғистон Республикасида ҳал қилувчи паллага қадам қўйди.

Мавжуд 7 та округлардаги сайлов участкаларида йилнинг муҳим воқеаси — сайловларнинг оқори савияда ўтиши учун барча имкониятлар сафарбар қилинмоқда. Тўртқўл туманидаги 108 миң сайловчи овоз берадиган 45 та участкалар талаб даражасида тахт қилиб қўйилди. Сайловчилар рўйхатлари тайёрланди. Ҳар бир участкада она-болалар махсус хоналари ташкил қилинди. Алоқа хизматидан, сайлов қонунчилиги оид адабиётлардан фойдаланиш имконияти яратилди. Хуллас, туманда сайловолди тадбирлари кўтаринки руҳда олиб борилаётган.

Абдурахмон ИСКАНДАРОВ

Самарқанд Вилояти

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

Самарқанд вилоятида саноатбоп узум етиштирувчи фермер хўжаликлари ва хомашё қабул қилувчи агрофирмалар раҳбарлари иштирокида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда "Ўзвиринсаноат-холдинг" компанияси корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг харидориги бўлиши, ички ва ташқи бозорда талабнинг ортиб бориши учун саноатбоп узум сифатини яхшилаш, янги, саноатбоп навли тоқзорлар барпо этиш, узумчиликка ихтисослашган агрофирмалар ва фермер хўжаликлари билан ўзаро манфаатли муносабатларни мустаҳкамлаш борасида фикр-мулоҳазалар алмашишди.

Шунингдек, узумни қайта ишлаш корхоналаридаги ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш, мавҳуд тоқзорлар ҳосилдорлигини ошириш борасида тақлифлар ўртага ташланди.

Семинарда қайд этилишича, вилоятда узумчиликка ихтисослашган агрофирма ва фермер хўжалиқларининг самарали меҳнати натижасида "Самарқанд-Жомбой шароб" МЧЖ, Ховренко номи ОАЖ, "Адаг Агро Инвест" КК, "Булунгур-1" ОАЖ, "Боғизагон" МЧЖ, "Митан" МЧЖ, "Мўминобод" МЧЖ, "Балхён" шўба корхоналари жорий мавсумда яхши кўрсаткичларга эришмоқда.

Бўлиб ўтган семинар йиғилишида мавсумда фаол иштирок этган фермер хўжаликлари, агрофирма раҳбарлари рағбатлантирилди. Шу билан биргаликда келгуси 2010 йилда амалга ошириладиган ишлар келишиб олинди.

Мамадиёр ЗИЁДИНОВ

Қашқадарё Вилояти

ҲАВАСКОР БАДИЙ ЖАМОАЛАР БЕЛЛАШДИ

Қарши шаҳри ҳамда Шаҳрисабз туманларида республика ҳаваскор бадий жамоалар фестивалининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.


Икки кун давом этган фестивалда маданият муассасалари қошидаги ҳаваскор бадий жамоалар ўз дастурлари билан иштирок этдилар.

Қатнашчилар тўққиз йўналиш бўйича ўз иқтидорларини намойиш этишди. Шунингдек, ҳудудга хос бўлган бахшичилик, лапар, қадимий чолгулар ижрочилиги ҳам эътиборга олинди.

Фольклор жамоалар ўртасида Чирочки туманининг "Чирочки чирочлари" фольклор-этнографик жамоаси, болалар жамоалари орасида Шаҳрисабз туманининг "Бахтли болалик" мақом ансамбли, чолғу ансамбли йўналишида Яққабғ туманининг рақс гуруҳлари голибликни қўлга киритишди. Яққа тартибдаги ижрочиликка эса анъанавий ижрочилик йўналиши бўйича Қарши шаҳридан Малика Қўрбонаева, эстрада қўшиғи ижрочилиги йўналишида эркаклар ўртасида Қарши тумани вакили Сайфулла Убайдуллаев, аёллар ўртасида Қарши шаҳрилик Фароғат Йўлдошева голиб бўлди. Худудга хос ижрочилик йўналиши бўйича голиблик чироччилик Чиннигул Тоштемировага насиб этди.

Фестиваль якунида голиб жамоалар ҳамда яққа ижрочилар "Фахрий ёрлик" ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Ҳусан ТЕМИРОВ



амалга оширилаётган ислохотлар самараси ўлароқ, шаҳар ва қишлоқларда барпо этилаётган замонавий спорт иншоотларида ўтказилаётган мусобақалар анъанавий тус олиб, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришга хизмат қилапти, шу билан бирга, юртимиз вакиллариининг турли халқаро мусобақаларда, олимпиада йўналири ва жаҳон биринчилиги баҳсларида юксак натижаларга эришишларида муҳим ўрин тутмоқда.

— Ёш авлодни ҳар томонлама

Дарҳақиқат, замонавий қиёфага эга бўлган, зарур жиҳозлар билан таъминланган бу иншоотлар бугунги кунда ёшларнинг сеvimли масканига айланган ва барбарада шаҳару қишлоқларимиз кўрига кўрк қўшиб турибди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда спорт анжумларини ишлаб чиқаришга ҳам алоҳида эътибор қаратилаётган. Мисол учун, 2004 йилда 120 номдаги спорт анжумларидан 47 тури хориждан келтирилган бўлса, 2005 йилдан бошлаб маҳаллий ишлаб чиқарувчилар

Навоий Вилояти

ҚИШЛОҚДА САНОАТ САЛОҲИЯТИ

Бунда фермерларнинг ғайрати муҳим аҳамият касб этади

Навоий вилоятида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат-нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат Фонди кўмағида "Фермер хўжаликлари фаолиятига қайта ишлашни жорий этиш ҳамда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кооперацияни ривожлантириш" мавзусида кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Унда Бухоро ва Навоий вилоятининг соҳоба тегишли идоралари вакиллари, фермерлар иштирок этди.

Анжуманда қайд этилганидек, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланаётган бу икки вилоят фермерларининг ҳар йили эришаётган ютуқлари ҳам, муаммолари ҳам бир-бирига ҳамоҳангдир. Мамлакатимизда Юртбошимиз раҳбарлигида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётган. Мазкур анжуманда асарличилигини ривожлантириш, балиқчилик, сут ва гўшти қайта ишлаш, ҳўл меваларни қуритиш ва қайта ишлаш технологияларига оид фикрлар барчанинг диққатини тортиди. Бу борада хорижда ишлаб чиқарилаётган ускуналари тақдим этган "LEMKEN" компанияси ва "ЭЛХОЛДИНГ" илмий-ишлаб чиқариш маркази билан фермерлар ўзаро ҳамкорлик шартномаларини туздилар.

Семинар давомида Бухоро озиқ-овқат технологиялари институти олимлари томонидан тақлиф этилган меваларнинг данагинан қимматбаҳо саноат мойи олиш ва ҳўл меваларни кам энергия сарфлаган ҳолда қайта ишлаш технологияси бўйича атрофича фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Анжуманда Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюмаси раисининг биринчи ўринбосари Т.Бозоров, Олий Мажлис Сенаторлари Э.Турдиқов ва Р.Валиевалар иштирок этишди.

Баҳриддин САДРИДДИНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Наманган Вилояти

САНГ ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Поп туманидаги Санг қишлоғида шу йилнинг 25 декабрига қадар 20 та замонавий, яшаш учун қўлай турар-жой бинолари қурилиб фойдаланишга топширилади.

— Бу шу ерлик кишилар учун янги йил совғаси бўлади, — дейди "Туда-Чинобод плюс" масъулияти чекланган жамияти раиси Ортиқхўжа Ҳакимов. — Айтиш мумкин уларнинг томини ёпиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.

Санг қишлоғида бунёд этилаётган янги масканнинг умумий майдони 8 гектарни ташкил этиб, бу ерда хозирча асосан бир қаватли, 4 хонадан иборат бўлган иморатлар қад ростламоқда. Янги йилдан бошлаб 73 та замонавий кotteж уйлар тикланади. Ҳар бир хонадон кенг, шинам ётоқхона, меҳмонхона, ошонасидан ташқари алоҳида ҳаммомига ҳам эга бўлади. Масаланинг эътиборли томони шундаки, янги посёлкада супермаркет, стадион, маҳалла гузари, болалар майдончаси, маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари ва бошқа муассасалар фаолият кўрсатади.

Маъмур МУСУЛМОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Анжун Вилояти

Обод бозор, гўзал гузарлар

Элнинг ризқи бутун, кўнгли тўқлигидан нишона

Республикамиз мустақиллигининг 18 йиллиги арафасида Анжун шаҳрида ва бир қатор туманларнинг марказларида тижорат банкларининг молиявий кўмағида йирик савдо мажмуалари фойдаланишга топширилган эди. Айтиш мумкин, энг йирик аҳоли пунктларида ҳам бозорлар ва гузарлар қуриш ва ишга тушириш узвий тарзда олиб борилаётган. Тадбиркорлар ва фермерларнинг фаол иштирокида қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда амалга оширилаётган кенг қўламдаги яратувчилик ишлари маҳсулот этиштирувчиларга ҳам, харидорларга ҳам маъқул бўлмоқда.

Яқинда Анжун шаҳрида "Алоқа банк"нинг мадади билан янги савдо расатлари фойдаланувчилар ихтиёрига топширилди. 12 та турғун савдо дўкони ва 200 та савдо ўрнига эга бўлган бу ерда доимий фаолият кўрсатадиган "Она ер саховати" қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркаси иш бошлади.

Сурхондарё Вилояти

Кўргазма-ярмарка давом этмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 майдаги "Умумтаълим мактаблари ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштириш борасида кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида Термиз шаҳридаги вилоят ахборот-ресурс марказида ташкил этилган 2010-2011 ўқув йили учун нашр қилинадиган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларнинг ихтисослаштирилган кўргазма-ярмаркаси давом этмоқда.

Кўргазма-ярмаркага ташриф буюрган "Ўзбекистон" нашриёти бош муҳаррири Ибодулло Шоймардонов, "Тонг юлдузи" газетаси бош муҳаррири Тўлқин Хайитов, вилоят халқ таълими бошқармаси ўқув дарсликлар бўлими бошлиғи Қудрат Алмардонов, Термиз давлат университети тарих кафедраси мудири Сайфулло Турсунов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюмаси вилоят бўлими масъул котиби Шафоат Раҳматулла Термизий, Матбуот ва ахборот агентлиги вилоят бўлими раҳбари Урол Олтибоев ва бошқалар ушбу тадбир ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Жумладан, улар дарслик ва ўқув-методик қўлланмаларни нашр этиш тизимининг йилдан-йилга такомиллашиб бораётгани билан бирга бу борада айрим нашриётлар томонидан йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам мавжудлиги хусусида тўхталди.



Шунингдек, нафақат вилоят марказида, балки Хонобод, Асака шаҳарларида ҳамда туманларнинг марказларида ҳам иш бошлаган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ярмаркалари тўқин-сочинлиги билан харидорларни ўзига

чорляптики, буни қўрган ҳар бир инсон қалбига она ерга, она заминга меҳр, муҳаббат ортиб, деҳқонларга кенг имкониятлар яратиб берилаётганлигига амин бўлади.

Қобилжон АСҚАРОВ олган сурат.



— Ташкент шаҳридаги 10 дан зиёд нашриётлар томонидан тақдим этилган, жами 332 номдаги 367 дона ўқув, бадий, маънавий-маърифий ва иқтисодий-иқтисодий адабиётлар кўргазмага қўйилган, — дейди вилоят ахборот-ресурс маркази директори Ҳамид Туракулов. — Кўргазма-ярмарка доирасида ўқувчилар билан "Китобим —

офтобим", "Энг яхши китобхон" каби қизқарли мавзуларда тадбир ва танловлар ҳам ташкил этилмоқда.

— "Чўлпон", "Янги аср авлоди" ва "Шарқ" нашриётлари томонидан тақдим этилаётган болалар учун адабиётларнинг мазмун ва дизайн менга жуда ёқди. Улар ёшларда қизиқиш уйғота олади, "Вазияти сўзлашгич", "Синф раҳбари" тўпламлари янгилиги билан мени ўзига жалб қилди, — дейди Ангор тумани 2-ўрта умумтаълим мактабига қарашли ахборот-ресурс маркази директори Дилдор Ядгарова.

Бандихон туманидаги 21-мактаб ўқитувчиси Жовли Холминов эса ўз мулоҳазаларини қуйдагича баён қилди.

— Бошланғич синф дарсликларининг тузилиши, безатилиши менга манзур бўлди. Дарсликлар ўқувчиларнинг мустақил ишлаш кўникмаларини шакллантириш жиҳатидан такомиллаштирилган. Бундай мукамал дарсликлар ёш авлод камолотида муҳим аҳамият касб этади.

Жуманазар АНОРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

ЮРТИМИЗ ЖАВОҲИРЛАРИ

Тошкент Фотосуратлар уйида Ўзбекистон Бадий академияси томонидан бир қатор ижодий ташкилотлар билан ҳамкорликда "Юртимиз жавоҳирлари" мавзuida кўргазма ташкил этилди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган кўргазмада Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва пойтахтимиз мусавирларининг ижодий ишлари билан танишиш мумкин.



Кўргазмининг очилишида Ўзбекистон Бадий академияси раиси Турсунали Қўзиёв ва бошқарлар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда илмийлик билан амалга оширилётган ислохотлар халқимиз ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, турмуш фаровонлигини ошириш, ёшлар маънавиятини юксалтиришдек эзгу мақсадларга ҳамоҳанг тарзда олиб борилаётганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил татбиқ этилган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган аҳолининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий савияси, оғи ва фўқаролик масъулиятини янада юксалтириш мўҳим йўналиш сифатида белгиланган. Бу борадаги вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Бадий академияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятларда таниқли мусавирлар, санъатшунослар, олимлар иштирокида кўргазмалар, ижодий анжуманлар, мулоқотлар ўтказилди.

Айни пайтда чекка ҳудудларда истиқомат қилаётган расомлар фаолиятини халқимиз ва кенг жамоатчиликка таништириш мақсадида турли бадий кўргазмалар бўлиб ўтди.

Қизиқарли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашувлар, кўргазмаларга бой бўлган "Юртимиз жавоҳирлари" ижодий лойиҳаси ана шундай тадбирлар сирасидандир. Лойиҳа доирасида моҳир мўйқалам соҳиблари юртимизнинг барча ҳудудларида ижодий сафарда бўлдилар. Санъатта меҳри баланд

ёшларни юртимиз тасвирий санъатининг ютуқ ва янгиликларидан бохабар этдилар. Шу билан бирга жойлардаги ижодий жараёнлар билан яқиндан танишдилар.

Ушбу кўргазмада расомларнинг юртимиз табиати, тобора обод ва кўркем қиёфа касб этаётган қишлоқлари, меҳнатсевар, самимий ва бағрикенг одамлари акс эттирилган икки юздан ортиқ асарлари намойиш этилмоқда.

Назокат Усмонова, ЎЗА муҳбири. Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.



СПОРТ

ТОШКЕНТДА ШАРҚ ЯККАКУРАШИ ФЕСТИВАЛИ БЎЛИБ ЎТДИ

Юнусобод туманидаги "Ўзбекистон" спорт мажмуасида Шарқ яккакураши ва жанг санъати V Тошкент Халқаро фестивали бўлиб ўтди.

Анъанага кўра фестиваль ҳар йилнинг сўнги ойида бўлиб ўтади. Унда 2009 йилги спорт мавсумининг умумий якунлари ўтказилди ва бир қанча номинациялар бўйича энг яхши спортчилар аниқланиб, тақдирланди. Шунингдек, анъанага кўра фестивалга мартабали меҳмон тақлиф қилинди. Навбатдаги фестивалга меҳмон бўлиб Жанубий Кореядан делегация — "Хайдонг-Гумбо" клуби ташириб келди. Таъсис этилган 6 та номинацияда эса қуйидагилар голиб бўлди: "Йилнинг энг яхши спортчиси" — Шуҳрат Миноваров, "Йилнинг энг яхши аёл спортчиси" — Софья Коспуплатова, "Йилнинг энг яхши мураббийи" — кикбоксинг бўйича Ўзбекистон терма жамоаси бош мураббийи Аҳтам Рашидов, "Йилнинг энг яхши федерацияси" — Ўзбекистон муайтай федерацияси, "Йилнинг энг яхши тадбири" (воқеаси) — жорий йилнинг



10-15 ноябрь кунлари Қарши шаҳрида бўлиб ўтган кўл жанги бўйича Осиё чемпионати, "Шарқ яккакураши ва жанг санъати бўйича энг яхши федерацияси" — Сирдарё вилояти филиали. Фестиваль давомида Жанубий Кореянинг "Хайдонг-Гумбо" клуби вакиллари ўз маҳоратларини намойиш этишди. Шунингдек, "Келажак овози" қолғу асбоблари гуруҳи ва "Дилшод" доирачилар гуруҳи ҳам фестивалнинг чиқишлари ҳам фестивал иштирокчилари ҳамда кўпсонли томошабинларга манзур бўлди.

НИМЧОРАК ФИНАЛ БОСҚИЧИ ИШТИРОКЧИЛАРИ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Европада Чемпионлар лигаси гуруҳ ўйинлари ниҳосига етди. Қозоннинг "Рубин" жамоаси гуруҳ учрашувларининг сўнги турида Милланнинг "Интер" жамоаси меҳмони бўлди.



"Рубин" "Интер" билан бўлган учрашувда муносиб қаршилик кўрсатган бўлса-да, якунда 2:0 ҳисобида мағлуб бўлди. Ҳимояга асосланган қарши ҳужум тактикасида тўп сурувчи Қозон шахри жамоаси "Барселона"га қарши кечган учрашувларда катта муваффақият қозongan эди.

Аммо худди шу услубда тўп сурадиган Италия жамоасига қарши кечган учрашувда бу тактика иш бермади. Шунингдек, учрашувда "Рубин" иккита асосий тарихий ўйинчилари Бухаров ва Шароновнинг хизматларидан фойдалана олмагани ҳам жамоага панд берди. Параллел равишда

кечган "Динамо" К.—"Барселона" учрашувидан эса "Барселона" 1:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллаган "Барселона" ҳамда "Интер" Чемпионлар лигаси нимчорак финал босқичига йўл олган бўлса, учинчи ўрин соҳиблари "Рубин" УЕФА кубоги учун кечадиган баҳсларга бориб қўшилиди. Қолган учрашувларда қуйидаги натижалар қайд этилди: "Ливерпуль"—"Фиорентина" 1:2 "Лион"—"Дербенен" 4:0 "Штутгарт"—"Унирия" 3:1 "Севилья"—"Глазго Рейнджерс" 1:0 "Олимпикос"—"Арсенал" 1:0 "Стандарт"—"Аз Алкмаар" 1:1

Азиз НУРУЛЛАЕВ

“Агробанк” — 2003, 2004, 2007 ва 2008 йилларда Ўзбекистон “Йил банки” танлови совриндори

“Агробанк” — таниқли Fitch Ratings халқаро рейтинг компаниясининг “Барқарор” тоифасидаги тўлиқ халқаро рейтингини олишга муваффақ бўлган банк

“АГРОБАНК” очик акциядорлик тижорат банки



“Агробанк”нинг қулай ва юқори даромадли йиллик 30 фоиз миқдоридан даромад тўланадиган “Яхши ният” жамғарма омонатини тақлиф қилади!

Омонатнинг сақланиш муддати 6 ой.

Шошилинг, ўзингиз учун байрам тўхфасини ҳаёда этинг, “Яхши ният” жамғарма омонатига маблағлар 2009 йил 31 декабрига қадар қабул қилинади!

“АГРОБАНК” — ЮРТ ОБОДОНЧИЛИГИ ВА ЯРАТУВЧАНЛИК ҲОЯЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ ТАЯНЧИ!

Ўзбекистон Қўзи Оқиллар жамиятига қарашли “Жавлон пласт” ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси ўз мақрамини МЧЖга ўзгартирди.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. БТИСИ томонидан Даутов Азат Курбанович номига С.Раҳимов т. Тансиқбоев 2-мавзеси 3-уй 40-хонадон манзили учун берилган уй-режаси ҳужжати йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Миробод т. да рўйхатдан ўтган “АВТОТРАК” (ИНН 201004960) илмий-ишлаб чиқариш маркази 2009 йил 9 декабрда ўтказилган умумий йиғилишида қабул қилинган 4-рақамли қарорга асосан тугатилди. Даволат эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: 159-48-00.

Тошкент ш. С.Раҳимов т. ҳоқимияти томонидан рўйхатга олинган “E ZOZA TRIUMF TOUR” МЧЖнинг дўмалоқ муҳри ва бурчак штампли йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ДП “TURKISTON-OSIYO INVEST” (код по ОКПО 18030473, ИНН 203633984) обьектлар об уминишени Уставного фонда с 1 011 305,40 долларов США до 2 000 000 сум.

“ВОЛГА” АВТОМОБИЛЛАРИГА МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА



AVTODOM PLUS
“ГАЗ” РУСУМИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
WWW.AUTO.UZ

Автосалон:
Тошкент ш., Бунёдкор кўч. 118.
Тел.: (99871) 140-41-21, 140-41-22.
Офис:
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз кўч. 16 “а”/
Тел./факс: (99871) 256-03-62, 256-13-01.

ЧП “AVRORJON VA AXORJON” (код по ОКПО 22254089, ИНН 300757932), зарегистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства хоқимията Учтегинского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: мас.Чиланзар 24 кв-л д.10 кв-ра 54, ликвидировуется (приказ учредителя № 3 от 10 декабря 2009 г.) Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 272-47-28.

ООО “TOSHQURILISHJINOZ” (ИНН 300668347) сообщает об уменьшении Уставного фонда с 135 000 000 сум до 19 344 000 сум. Претензии принимаются в течение одного месяца со дня опубликования объявления по адресу: Республика Узбекистан, Ташкентская обл., Кибрайский р-н., КФЙ Тузель, здание частной молочно-товарной фирмы “JAMOL”.

<p>Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ</p>	<p>МУАССИСЛАР КЕНГАШИ Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҲРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Самд АРАБОВ, Сандамин САМДЖАЛОВ, Баҳодир АЙДУКДИРОВ, Илҳом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шуҳрат ТОШМУРОДОВ, Шуҳрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамониддин ЭСОНБОВ, Зинвуддин ОБИДОВ, Ҳақимжон УМАРХУЖАЕВ.</p>	<p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Алптай АДИЛОВ, Фойри АЛИЕВ, Тўлғабой КАРИМОВ, Шуҳрат ҒАНИЕВ, Уктам БАРНОЕВ, ЭҲтир РАҲМАТ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Жуманайя ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Руслан ҚОСИМОВ, Омонулло ЮНУСОВ, Шераод ҒУЛОМОВ, Мураддин АБДУСАМАТОВ (масъул китби).</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Копийет — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси — 585-16-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 366-81-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 224-81-69; Ферғона — 223-35-99; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 588-06-89; Тошкент — 100-29-51; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.</p>	<p>Реклама ва эълонлар — 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун буюртмани жавобгар</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй E-mail: info@qishloqhayoti.uz</p>	<p>Навбатчи: АҚУЛМУРОДОВ Мусахқир С.ҚОДИРОВ Дизайнер: М.ШУКУРОВ</p>
---	---	---	--	---	---	--